

**PhD, профессор в.б., Шерзод Қиёсов**

*Тошкент молия институти*

## **ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИДАГИ АЙРИМ ИМТИЁЗЛАР ХУСУСИДА**

**Аннотация:** Мақолада амалдаги солиқ қонунчилиги асосида жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш тизимидаги айрим имтиёзларнинг амал қилишининг зарурлиги ва хусусиятлари кўриб чиқилди, улардан фойдаланиш ҳолатининг таҳлили ўтказилди, мазкур солиқ имтиёзларини қўллашнинг макроиқтисодий ва жисмоний шахслар ижтимоий-иқтисодий ҳолати яхшиланишидаги аҳамияти ўрганилди.

**Калит сўзлар:** жисмоний шахслар, жисмоний шахсларнинг даромадлари, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш амалиёти, жисмоний шахслар даромадларидан олинadиган солиқ элементлари таркибида солиқ имтиёзлари.

## **ON CERTAIN INCENTIVES IN THE PERSONAL INCOME TAX SYSTEM**

**Abstract:** In the article, the necessity and characteristics of some incentives in the system of taxing the income of individuals based on the current tax legislation were considered, the analysis of their use was carried out, the significance of the application of these tax incentives in the improvement of the macroeconomic and socio-economic status of individuals was studied.

**Keywords:** individuals, incomes of individuals, practice of taxation of incomes of individuals, tax credits in the tax elements of incomes of individuals.

### **Кириш**

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида аҳоли турмуш даражасини, жамиятнинг оила институтининг молиявий барқарорлигини, иқтисодий салоҳиятини, мамлакатлар жисмоний шахслари даромадларини солиққа тортиш механизми фаолиятини таъминловчи самарали солиқ сиёсатини шакллантириш масалаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон ижтимоий ривожланиш якунларини баҳолаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш тадбирлари тизимида ҳамда жаҳон солиқ амалиётида жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларда жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқда имтиёзлар, улардан фойдаланиш мезонлари тизими, имтиёзларни такомиллаштириш йўналишлари масалалари очиб берилган. Тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, айрим мамлакатларда аҳоли турли табақалари даромадларининг кескин фарқ қилишининг кучлилиги, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизими ягона ставкага асосланган прогрессив ставкани қўллаш ижтимоий адолат ва тенгсизликни кучайтираётганлиги, солиқ базасида имтиёз ва чегирмаларнинг тўлиқ қўлланилмаётганлиги мазкур тизимдаги ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни кўрсатмоқда. Юқорида келтирилган масалалар жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ элементлари таркибида имтиёзлардан фойдаланишнинг назарий ва амалий муаммолари мавжудлигини кўрсатмоқда ва уларни чуқур илмий таҳлил этишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларда солиқларнинг барқарор тушумини таъминлаш, солиқ юкини изчил камайтириш негизида аҳоли реал даромадларини ошириш орқали иқтисодий ўсишга позитив таъсир этувчи ўзаро уйғунлашган солиқ тизимини шакллантиришга эътибор қаратилмоқда [1] ва ушбу жараён жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ юзасидан имтиёзлар тизими ва улардан фойдаланиш самарадорлигининг илмий таҳлилинини талаб этади.

### **Адабиётлар таҳлили**

Хорижлик олимлардан Альфред Г.Бухлернинг “Солиқлар ва муҳтожликда яшашнинг энг минимум миқдори” номли мақоласида солиққа тортилмайдиган минимум ўрганилган. Ушбу мақолада Альфред Г.Бухлер тақдим этилган таъминот (солиққа тортилмайдиган минимум) аҳолининг кун кечиришига етарли бўлиши кераклигини таъкидлайди. Солиқлар аҳолининг турмуш тарзи шароитларини ўзгартириш учун эмас, балки даромадларни ошиши учун хизмат қилиши кераклигини таъкидлайди[2].

Харли Л.Лутс [3]нинг “Жисмоний шахслар даромад солиғидан имтиёзлари” мақоласида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг давлат бюджетидаги ўрнини ва солиқ имтиёзларини ўрганган.

Н.Ҳайдаров жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзларни икки турга ажратади, яъни тўлиқ озод қилиш ва қисман озод қилиш. Унинг фикрича, жисмоний шахсларнинг айрим даромадларини солиққа тортилиши мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичларига таъсир этишини таъкидлайди. Хусусан, жисмоний шахсларнинг тижорат банкларига қўйилган депозитларидан, давлат заёмларидан олган даромадлари даромад солиғига тортилса, аҳоли ортиқча пул маблағларини тижорат банкларига депозит шаклда қўймасликка олиб келишини таъкидлайди [4].

М.Усмонова илмий мақоласида даромад солиғининг фискал аҳамиятини ортамаётганлигига урғу беради ва бунга сабаб ўзини ўзи банд қилиб, турли манбалар орқали даромад топаётган жисмоний шахсларнинг солиққа тортишда аниқ бир механизмлар мавжуд эмаслиги, тўлов манбаидан ташқарида топилган даромадлар солиқ органлари томонидан тўлиқ қамраб олинмаётганлигини келтириб ўтади [5].

### **Таҳлил ва натижалар**

Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ амалиётига оид ҳуқуқий-меъорий асос Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг XIII-бўлими, 52-57-боблари ва 364-401-моддалари [6] ҳисобланади.


Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш амалиётига ҳос стратегик вазифалардан бири аҳолининг истеъмол талабини рағбатлантириш билан биргаликда, аҳолининг маълум қатламлари ўртасида даромадларни текис тақсимлаш вазифасини ҳам бажаради. Ушбу икки муҳим вазифани амалга оширишда солиқ механизми элементларидан фойдаланилади. Бунда солиқлар бўйича белгиланган имтиёзлар тизими марказий ўринни эгаллайди.

Ҳозирда «мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш» масаласи Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси [7]нинг 79-мақсадида муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон Фармонида мувофиқ, Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан солиқ имтиёзлари ҳамда преференциялар, жумладан, индивидуал имтиёзлар берилган субъектлар, уларнинг якуний бенефициар жисмоний шахслари, тўлаган солиқлари ва молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотлар очиқ эълон қилиб келинмоқда.

Хусусан, Очик маълумотлар порталида 2022 йил I чорак ҳолатига солиқ имтиёзига эга бўлган субъектлар ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилди.

Солиқ имтиёзлари ичида энг кўп қўлланилган тури жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўлиб, ундан 16 565 та ёки 38% хўжалик юритувчи субъект фойдаланган (1-расм).



**1-расм. Имтиёз қўлланилган солиқ турлари[8].**

Тадқиқ жараёнида биз мамлакатимиз солиқ амалиётида *жисмоний шахслар даромадларидан олинadиган солиқ маъмуриятчилиги фаолияти самарадорлигини оширишга оид қуйидаги тавсияларни бердик ва уларни амалий маълумотлар орқали асослашга эришидик:*

1.Болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун даромад солиғи бўйича белгиланган имтиёзнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида уларнинг кўламини ошириш таклиф этилди.

**1-жадвал**

**«Ўзбекистон Республикасида болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун даромад солиғи бўйича белгиланган имтиёздан фойдаланиш ҳолати»<sup>1</sup>**

Кўрсаткичлар	Йиллар						2022 йилда 2017 йилга нисбатан ўзгариши (марта)
	2017	2018	2019	2020	2021	2022	
1. Даромад солиғи тўловчи жами жисмоний шахслар сони, минг киши:	3849,2	3921,6	4492,4	4586,7	4802,1	5083,6	1,3
2. ЖШДС бўйича имтиёздан фойдаланувчилар жами, минг киши	123,5	126,7	129,8	134,1	172,8	98,8	0,8
Шу жумладан: болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, киши	1921	2043	2134	2 210	2496	2746	1,4
3. ЖШДС дан тушумлар, млрд. сўм	3168,8	12413,8	15173,7	15173,7	17927,4	22723,6	7,1
4. ЖШДС бўйича имтиёздан фойдаланиш ҳисобига тежалган маблағлар, млрд. сўм	27,3	29,1	32,7	34,5	41,4	23,9	0,9
Шу жумладан: болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг даромад содиғи бўйича имтиёздан фойдаланишлари ҳисобига тежалган маблағ, млрд. сўм	13,3	13,7	14,6	15,7	17,1	18,9	1,4

2022 йилнинг 1 мартидан бошлаб болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун даромад

<sup>1</sup> Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

солиғи бўйича белгиланган имтиёз меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 бараваридан 3 бараваригача оширилиши орқали жорий йилнинг ушбу шахслар ихтиёрида қўшимча 18,9 млрд. сўмлик даромад қолиши таъминланди.

2.Норезидент жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан оладиган даромадлари (дивидендлар, фоизлар ва фрахтдан олинадиган даромадлардан ташқари) бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкасини 12 фоиз миқдорида белгилаш таклифи ишлаб чиқилган.

**2-жадвал**

**«Ўзбекистон Республикасида ЖШДС тўловчилари таркибида резидент ва норезидентлар иштироки ҳақида маълумот»<sup>2</sup>**

Кўрсаткичлар	Йиллар						2022 йилда 2017 йилга нисбатан ўзгариши (марта)
	2017	2018	2019	2020	2021	2022	
1. ЖШДС тўловчилари жами, минг киши	3849,2	3921,6	4492,4	4586,7	4802,1	5083,6	1,3
2. ЖШДС дан тушумлар, млрд. сўм	3168,8	12413,8	15173,7	15173,7	17927,4	22723,6	7,1
3. Резидент жисмоний шахслар сони, минг киши:	3837,6	3907,9	4474,4	4536,2	4749,2	5051,6	1,3
4. Норезидент жисмоний шахслар сони, минг киши:	11,6	13,7	18,0	50,5	52,9	32,0	2,8
5. Резидентлар томонидан тўланган ЖШДС, млрд.сўм	3159,3	12370,4	15113,0	15006,8	17730,2	22580,4	7,1
6.Норезидентлар томонидан тўланган ЖШДС, млрд.сўм:	9,5	43,4	60,7	166,9	197,2	143,2	15,1

<sup>2</sup> Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши билан 2022 йил 1 майдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари учун даромад солиғи ставкаси бирхиллаштирилишига эришилди ва тадбиркорлик субъектларига тенг шароитлар яратиш, хусусий инвестициялар ҳажмини кескин ошириш ҳамда бизнес доираларининг ишончини янада мустаҳкамланишини таъминлади.

3.Якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган миқдордаги солиқ суммаларига фаолият амалга ошириладиган жойларнинг хусусиятларига, шунингдек фаолият амалга ошириладиган турларининг мавсумийлиги қараб 0,7 дан 1,3 гача камайтирувчи ёки оширувчи коэффициентлар белгилаш таклифи ишлаб чиқилди.

**3-жадвал**

**«Ўзбекистон Республикасида ЯТТлар учун қатъий белгиланган миқдордаги солиқ суммаларидан тушумлар ҳақида маълумот»<sup>3</sup>**

Кўрсаткичлар	Йиллар						2022 йилда 2017 йилга нисбатан ўзгариши (марга)
	2017	2018	2019	2020	2021	2022	
1. ЯТТлар жами, минг та:	158,9	164,17	179,1	187,2	195,8	212,1	1,3
2. ЯТТлар учун қатъий белгиланган миқдордаги солиқ суммаларидан тушумлар, млрд.сўм	1123,1	1343,9	2345,1	2864,7	3966,7	3933,1	3,5

Мазкур таклифнинг инobatга олинishi натижасида 2021 молия йили якуни бўйича камайтирувчи коэффициентлар қўлланилган ҳудудларда якка тартибдаги тадбиркорлар ихтиёрида 16,44 млрд сўмлик маблағ қолиши таъминланди, марказларда дам олиш масканлари ва тоғ-олди ҳудудларида фаолият юритувчи якка тартибдаги тадбиркорларга оширувчи коэффициентлар қўлланилиши оқибатида тегишли шаҳар ва туман бюджетларига қатъий белгиланган миқдордаги солиқлардан қўшимча 29,86 млрд сўм маблағ тушишига эришилди.

4.Солиқ тўловчи бўлган жисмоний шахслар – қимматбаҳо металлар кидирувчиларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда қазиб олиш йўли

<sup>3</sup> Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

билан эга бўлган қимматбаҳо металлларни реализация қилишдан олган даромадларини солиқдан озод қилиш таклиф этилди.

**4-жадвал**

**«Ўзбекистон Республикасида қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва улар даромадларидан солиқ тушумлари тўғрисида маълумот»<sup>4</sup>**

Кўрсаткичлар	Йиллар						2022 йилда 2017 йилга нисбатан ўзгариши (марта)
	2017	2018	2019	2020	2021	2022	
1. Қимматбаҳо металллар қидирувчилари ҳисобланган жисмоний шахслар сони, киши*:	-	-	4	4	6	71	-
2. Қимматбаҳо металллар қидирувчилари бўлган жисмоний шахслар ва улар даромадларидан солиқ, млрд.сўм	-	-	17,9	14,6	17,8	-	-

\* Ўзбекистон Республикасида қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолияти билан шуғулланишга расмий тарзда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йилнинг 26 ноябрь куни имзолаган “Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ижроси асосида 2019 йил 1 мартдан рухсат берилди. 2020–2022 йил рақамларида ва айниқса, даромад солиғидан озод қилиш масаласида норезидентлар мустасно.

Натижада, 2021–2022 йиллар давомида қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолияти билан шуғулланувчилари сони 11,8 мартага, кон қидирув харитасидаги қимматбаҳо металлларни қидиришлар сони 27 фоизга, ноанъанавий усул ва тартибда қазиб олинган қимматбаҳо металллар миқдори 31 фоизга кўпайган, улар ихтиёрида 36,1 млрд сўмлик маблағнинг қолишига эришилди.

5. Жисмоний шахслар даромадларига солиқ имтиёзларини қайта кўриб чиқиш зарурияти туфайли солиқ тўловчининг уй-жойларни талабаларга ижарага беришдан олинган даромадларини солиқдан озод қилиш таклифи берилди.

<sup>4</sup> Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



**5-жадвал**

**«Ўзбекистон Республикасида уй-жойларини талабаларга ижарага берувчи жисмоний шахслар ва ушбу даромадларидан тўлаган солиқ суммалари ҳақида маълумот»<sup>5</sup>**

Кўрсаткичлар	Йиллар						2022 йилда 2017 йилга нисбатан ўзгариши (марта)
	2017	2018	2019	2020	2021	2022	
1. Уй-жойларини талабаларга ижарага бериш шартномалари сони, минг та:	18,9	20,2	23,5	0	7,9	47,7	2,5
2. Уй-жойларни талабаларга ижарага берувчи жисмоний шахсларнинг ушбу даромадларидан тўлаган солиқ суммалари, млрд.сўм	21,2	24,8	32,9	0	45,5	-	-
3. Уй-жойларни талабаларга ижарага берувчи жисмоний шахсларнинг ушбу даромадларидан солиқ имтиёзлари, млрд.сўм	-	-	-	-	22,8	59,9	-

Мазкур таклифнинг инобатга олиниши орқали 2022 йил 1 январдан уй-жойларини талабаларга ижарага беришдан олинган даромадларини ўзининг даромад солиғи базасидан чегириши натижасида 2022 йилнинг 1 ярим йиллигида 59,9 млрд. сўм маблағларнинг жисмоний шахслар ихтиёрида қолдирилиши таъминланди.

**Хулоса.**

1. Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслар даромадларидан олинган солиқ амалиёти тегишли ҳуқуқий-меъёрий асосга ва тажрибага эга ва унинг ривожланиши истикболи жаҳон солиқ амалиёти стандарти ва трендлари талабларидан келиб чиқиб унинг самарали усул ва воситаларини қўллашни назарда тутди.

2. Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғидан берилган имтиёзларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги номувофикликларни бартараф этиш, уларни Солиқ кодекси нормаларига мувофиқлаштириш, имтиёзларни тўғри қўллаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш борасида қўйидагилар тавсия этилади:

- 2023 йил 1 январдан жорий этилган республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг

<sup>5</sup> Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари аҳамиятидан келиб чиқиб 5-тоифа ҳудудлардаги жисмоний шахслар даромадидан олинадиган амалдаги солиқ ставкасини 50 фоизга камайтириш лозим;

- Солиқ кодекси 378-моддасининг биринчи қисми 16-банди биринчи хатбошида солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олиш (ўзининг, шунингдек йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) таълим олиши) учун тўлов. Мазкур имтиёз солиқ тўловчининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўқиш учун тижорат банклари томонидан ажратилган таълим кредитларига (фоизлари билан) қоплашга йўналтирилган даромадларига солиқ солинмаслиги белгилаб қўйилган. Мазкур имтиёзни, балки юридик шахслар томонидан жисмоний шахсларга қайтариш шарти билан берилган маблағлари (ссудалар) ҳисобидан амалга оширилганда ҳам қўлланилиши лозим;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сонли фармонида асосан 2022 йилда 1 апрелдан бошлаб нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлари даромад солиғидан озод этилишига доир имтиёзни давлат боғчалари учун ҳам қўллаш лозим ва шу муносабат билан Солиқ кодексининг 378-моддасига қўшимчалар киритилиши зарур.

3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ягона солиқ ставкасини сақлаб қолган ҳолда, қуйидаги ижтимоий масалалар бўйича солиқ имтиёзларини жорий этиш ва кенгайтириш, солиқдан қочиш механизмларини бартараф этиш юзасидан қуйидагилар таклиф этилади:

- аҳолини уй-жой билан таъминлашни рағбатлантириш мақсадида, ёш оилаларга ўрнатилган 30 ёшгача деган чегарани 35 ёш деб олиниши, уларнинг номида уй-жой бўлмаслиги ва ипотекага олинган уйда уларнинг яшашлари шартлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 378-моддаси 16-банди билан жами меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг саксон бараваригача бўлган миқдорда (ҳозирда 24,0 млн.сўм) белгиланган чегаравий миқдорнинг олиб ташланиши лозим;

- соғлиқни сақлаш соҳасида аҳолини хусусий тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятиларини кенгайтириш ва тиббий суғурта амалиётини жорий этиш мақсадида аҳолининг соғлиқни сақлаш юзасидан, асослиги тегишли ҳужжатлар ва назорат тизими орқали кафолатланган, экстремал-зарурий харажатлари (хорижда ёки хориж мутахассисларини жалб этиш ҳисобига тиббий жарроҳлик операцияларининг ўтказилиш харажатлари, йўл

кира харажатлари, тиббий муолажада фойдаланилиши зарур деб кўрсатилган дори-дармон харажатлари) суммасининг ҳеч бўлмаганда ушбу сарфга муқобил тарзда тенглаштирилган даромадга мутаносиб тарзда ҳисобланган солиқ суммасининг асосий солиқ базасидан чегириш, жисмоний шахсларнинг тиббий суғурта билан боғлиқ тўловларини жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод этиш. Бу билан инсон капиталига қилиниши лозим инвестициялар манзилли ишлатилиши, ижтимоий ёрдамнинг аниқлиги ва инсон саломатлиги билан боғлиқ объектив харжатларнинг жисмоний шахслар даромадидан солиқ базасидан чегириш орқали ижтимоий ҳимоянинг ҳаётий кўриниши қўлланилишига эришилади. Ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ўрта муддатли истиқболлари лойиҳасини ишлаб чиқишда инobatга олиниши лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.
2. Alfred G. Buehler “Taxation and the minimum of subsistence” Source: The American Economic Review, Vol. 23, No. 2 (Jun., 1933), pp. 234-244.
3. Harley L. Lutz “The privilege of personal income taxation”. Source: The Bulletin of the National Tax Association, Vol. 23, No. 1 (October, 1937), pp. 11-22. Stable URL: <http://www.jstor.org/stable/41786912>
4. Ҳайдаров Н. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. –Т.: Академиya, 2007. 79 б.
5. Усмонова М.С. Ўзбекистонда аҳоли даромадлари таркиби ва уларнинг солиққа тортилиши ҳолати таҳлили. //Халқаро молия ва ҳисоб. 2023. 1-сон. - 11 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Т.: 2022 й.
7. Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси лойиҳаси– [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси Очик ахборотлар портали - [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz)
9. Taxation trends in the European Union: Data for the EU Member States, Iceland and Norway: 2020 edition. Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2020. 308 P. URL: [https://op.europa.eu/en/publication-detail/-/publication/c0b00da7-c4b1-11ea-b3a4-01aa75ed71a1/language-en?WT.mc\\_id=Selectedpublications&WT.ria\\_c=51677&WT.ria\\_f=6180&WT.ria\\_ev](https://op.europa.eu/en/publication-detail/-/publication/c0b00da7-c4b1-11ea-b3a4-01aa75ed71a1/language-en?WT.mc_id=Selectedpublications&WT.ria_c=51677&WT.ria_f=6180&WT.ria_ev)